



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 7-fevral • Shanba • 16 (27.977) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

## ЎзХДП фаоллари ташаббуси

### «ЁШЛАР ҒОЯСИ — 2009»

иқтидор эгаларини кашф этиш ва юзага чиқаришга хизмат қилади

Ёшлар кучини бирлаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Хоразм вилоят партия кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар ғояси — 2009» кўрик-танлови ташкил этилди. Танлов вилоят ўртамахсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши, «Микрокредитбанк» филиали, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази, вилоят газеталари ва телевидениеси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

вилоят миқёсида ўтказилди.

— Тўғриси айтганда, коллежаларнинг айрим битирувчилари ишга жойлашиш масаласида қўйналиб қолади, — дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Алишер Юсупов. — Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ўз соҳалари бўйича қобилиятини синаб кўриш, айти пайтда ташаббускор, ишчан ёшлар мустақил фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашишдир. Шу боис, қатнашчилар нафақат эскиз ва лойиҳалар, балки ўз бизнес режалари билан ҳам иштирок этмоқда. Танлов ғолиблари бўлган жисмоний шахсларга «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали 18 ойга энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда йиллик 3 фоиз, юридик шахсларга икки йил муддатга энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорда йиллик 7 фоиз устима билан кредит ажратади. Бу ҳақда ўзаро битим имзоланган. Ўзининг энг яхши ғояси билан ғолибликка эришган ёшлар ёқтирган соҳасида имкониятларини синаб кўриш, ҳаётда ўз йўлини топиб олиш имконига эга бўлади.

Танловда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этди. Шу кунларда кўрик-танловнинг дастлабки босқичи бошланди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Танловга ҳамма катта қизиқиш билан қарамокда. Чунки бу шунчаки тадбир эмас, балки катта мақсадни кўзлаган иқтидор эгаларини кашф этишга қаратилган кўрик-танловдир. Унинг «Архитектура ва дизайн» йўналиши Қишлоқ таълим ва фаровонлиги йилга бағишланган. Бунда иштирокчилар қишлоқ жойларда маҳалла гузари, турар жой, маъмурий хизмат шохбачаларининг замонавий кўринишдаги бинолари тарҳини чиқиб тақдим қилиши керак. Бунинг учун иштирокчи ўзи истиқомат қилаётган шаҳар ёки туман ҳудудидаги аниқ бир манзилни танлайди ва шу ерда қурилиш кўзда тутилган иншоот

лойиҳасини яратади. «Либослар дизайни» йўналиши ҳам кўпчиликда қизиқиб уйғотмоқда. Унда қатнашчи тенгдошларининг уйда, кўчада, таълим муассасаси ва тўй-ҳашамда кийиши мумкин бўлган либосларнинг замонавий намуналарини таклиф қилади. Бунда мода — русум билан бирга, миллий ўзига хослик ҳамда молиявий имконият эътиборга олинади. Бошқа йўналишларга ҳам ана шундай талаблар қўйилган. У ёшларни ўйлашга, изланишга, янгилик сари интилишга даъват этади.

Танлов уч босқичдан иборат. Дастлаб ҳудудларда, кейин туман ва шаҳарларда, ниҳоят,



## АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Абиким, Ватан узра то жонни бор,  
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Бошни фидо айла, ато қошига,  
Жисмини қил садқа ано бошига,  
Тун кунингга айлагали нур пош,  
Бирисин ой англа, бирисин қудш.

Бордурур инсон зотида онча шараф,  
Ким ямон ахлоқни этса бартараф.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истар сен, ўзингдин истагил.

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,  
Билки они қилди қаноат гани.

Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,  
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Қил аҳшилиқу демакни дохил қилма,  
Миннат била аҳшилиқни ботил қилма.

Бировки қилса олимларга таъзим,  
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.



### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ НАМАНГАН.

«BUNYOD-TEKSTILE» тикуччилик трикотаж фабрикаси Россиянинг «Вега Инвест» фирмасига 200 миң доллар ҳажмида маҳсулот тайёрлаб беришга киришди.

Айни пайтда 70 киши меҳнат қилаётган корхона йилнинг иккинчи ярмидан тўла қувват билан ишлаш бошлайди. Шунда ишчилар сони 120 нафарга етади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

### Мухбирларимиз хабар қилади

#### УНИВЕРСИТЕТНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Тошкент ахборот-технологиялари университети Нукус филиалининг янги биноси бунёд этилмоқда. Қурилиш ишларини «Ўзбекистон — Туркия» қўшма корхонасининг «Бектемир» жамияти аъзолари олиб боришмоқда.

620 ўринга мўлжалланган янги иншоотда ҳозир пардозлаш ишлари бошланди. У Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

#### ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ УСКУНАЛАР

БУХОРО. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалига 31 турдаги 69 та замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. АҚШ, Италия, Россия, Германия, Япония ва Хитойда ишлаб чиқарилган тиббий воситалар шифокорларга беморларни даволашда қўл келмоқда.

Маъмур ускуналарни ишлатишга ихтисослаштириш мақсадида 17 нафар шифокор 8 йўналиш бўйича Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказидаги тайёрлаш курсларига юборилди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

### Диққат:

## «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ!»

Ҳурматли газетхон, хабарингиз бор, «Ўзбекистон овози» саҳифаларида вақти-вақти билан «Сиртқи қабул соатлари» ўтказиб келинмоқда. Унда Сизни қизиқтирган ёки ташвишга солган саволларга турли вазирлик ва ташкилот раҳбарлари жавоб беришмоқда.

Навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари»ни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи **Ғофиржон УСМОНОВ** билан ўтказиш режалаштирилди. Маълумки, чет элларга ишга бориш масаласида фуқаролар етарли маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли турли муаммоларга дуч келишмоқда. Айниқса, айрим ҳамюртларимиз фибрибгарлар тузоғига тушиб, одам савдоси қурбонига айланаётгани жамоатчиликда катта ташвиш уйғотмоқда.

Бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш борасида ҳозир мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси» ижросини таъминлаш

Телефонлар: 233-65-45, факс: 233-12-56; 233-21-43  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти.  
e-mail: [uzbovozi@mail.ru](mailto:uzbovozi@mail.ru)

мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари» ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Сиз чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб оласиз. Шунингдек, Корея Республикаси, Россия Федерациясида қонуний меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида йўл-йўриқ, маслаҳатлар олишингиз мумкин.

Демак, саволларингизни кутамиз. Шу йилнинг 10 февралигача телефон, шошилинчнома, хат орқали тахририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.

### ФАРҒОНИЙНИНГ ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТИ


Аҳмад ал-Фарғоний қурган «Нилометр» иш фаолиятининг давомчилиги бўйича дунёда ягона сув ўлчаш қурилмаси ҳисобланади.



2-бет

### ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР


Ироқ маҳаллий кенгашлари учун шанба кунини бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.



3-бет

### «ҲЕЧ КИМ ОНЧА КЎП ВА ХЎБ АЙТҚОН ЭМАС...»

Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил бида то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас.



4-бет

## Ватан ҳимояси — олий шараф



Ҳарбий хизматта, Ватан ҳимоясига соғлом ва мард йигитлар танлаб олинади. Бугун мамлакатимизда ушбу ғоятда масъулиятли вазифани адо этиш ҳар бир йигит учун олий шарафга айланди.

Кунини кеча Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигит пунктда қақирувчиларни ҳарбий хизматга қузатиш тадбири бўлиб ўтди. Унда сузга чиққанлар йигитларга оқ йўл тиладилар.

— Углим Исламжонни қузатгани келдик, — дейди оққўрғонлик Маъмуржон Самадов. — Унинг бўйи етиб, йигитлик бурчини ўташ учун кетаётганидан хурсандман. Ишқилиб, ой бориб, омон қайтсин. — Орузим чегара қўшинларида хизмат қилиш эди, — дейди Исламжон. — Бугун ниҳоятимга етдим. Аксарлик либосини кийиб, Ватанимиз ҳимоясига останаётганимдан фахрланаман.

**Равшан ШОДИЕВ**

Суратларда: қақирувчиларни ҳарбий хизматга қузатиш маросимидан лавҳалар.

Шанкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.



Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

тажрибалари билан ўртоқлашди



Сурат муаллифи Хурсандбек АРАБОВ

Булоқбони туман партия кенгаши кишиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, аҳолининг маънавий салохиятини ошириш, улар орасига янада чуқурроқ кириб бориш мақсадида қатор тадбирлар ўтказмоқда. Кунни кеча туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти, туман хотин-кушан қўмитаси ҳамкорликда Олтинқўл туманидаги «Олтинқўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева билан учрашув ташкил этди.

Унда миришкор пахтакор, илгор фермер жамиятда аёллар мактабини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон Қаҳрамони мамлакатимиздаги ислохотлар ва жамиятдаги янгилашни-яшаришда ҳар бир шахснинг иш-тироки борлигига эътибор қаратди. Шунингдек, Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йи-

лида кўзда тутилган эзгу мақсадларни амалга оширишда ҳар биримиз жонбозлик кўрсатишим лозимлигига ургу берди.

— Бундай учрашув ва суҳбатлар киши тафаккурини бойитиш билан бирга, одамларда фаоллик, интилувчанлик, фазилатини кучайтиради, — дейди «Шарқ юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партия фаоли О.Ҳайдарова. — Қолаверса, қаҳрамонларнинг ҳаётий тажрибалари ибрат намунаси сифатида кишиларда катта таассурот уйғотади.

(Ўз мухбиримиз). Суратда: Сиёсатхон Абдуллаева бир гуруҳ ёшлар билан.

ФАРҒОНИЙНИНГ ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТИ

НИЛ ВА «НИЛОМЕТР»

Дунёдаги энг азим — Нил дарёсида «Нилометр» каби ноёб ва шу билан бирга ўта муқаддас сув ўлчаш иншоотини қуриш унинг ижодкори олдига сув илми билан боғлиқ бўлган бир қанча талабларни қўйган бўлиши табиий. Шулардан энг асосийси, иншоот қурилиши мўлжалланган Нил дарёси ҳақида ўша давргача тўпланган илк гидрологик маълумотларни чуқур таҳлил қила билиш, иккинчиси — улардан иншоотни лойиҳалаш ва қуриш ишларини амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган тегишли амалий ҳулосаларни чиқара олишдан иборатдир.

Шу маънода, фикр-мулоҳаза юритсак, Аҳмад ал-Фарғоний «Нилометр»ни қуриш билан боғлиқ илмий-амалий фаолияти даврида қуйидаги манбалардан воқиф бўлган:

— Қадимдан то ўзи яшаган давргача тўпланган сув илми ҳақида унинг амалий таъбиқи ҳақидаги маълумотлар;

— Нил дарёси, унинг гидрологик режими ҳақида ўзига хос ва бевосита ўзи яшаган даврда тўпланган маълумотлар.

Биринчи манба ҳақида тўхталиб ўтдик. Иккинчи манба устида фикр юритсак, ҳақиқатан ҳам Аҳмад ал-Фарғонийнинг Нил дарёси ҳақида маълумотлар тўплаши, юқорида эслатиб ўтилганидек, ал-Хоразмий бошчилигида 836 йилда тузилган «Мамун дунё харитаси»да келтирилган «Нил дарёси ҳавзаси харитаси»дан бошланган бўлса ажаб

эмас. Ҳатто, қўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг яратилишида Аҳмад ал-Фарғонийнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этган.

Умуман олганда, Аҳмад ал-Фарғоний «Нилометр»нинг лойиҳасини тайёрлаш ҳамда уни қуриш ишларига тайёргарлик кўриш даврида Нил дарёси ҳақидаги бирламчи гидрологик маълумотларни таҳлил қилган ва улардан фойдаланган. Шу билан бирга, унинг ўзи ҳам Нил дарёсида маҳсул қузатув-ўлчов ишларини бажарган, зеро, «Нилометр»дек сув сатҳини жуда аниқ ўлчашга имкон берадиган қурилмани бунёд этиш дарёларда сув ўлчаш ишларини пухта билишни тақозо этарди.

Нил дарёси Уганда, Судан ва Миср давлатлари ҳудудидан оқиб ўтади ва қадимдан шу ерларда инсоният яшагани, яъни ҳаёт мавжудлигини таъминловчи «қон томири» вазиғасини ўтаб келган. Натижада Нил дарёси ҳавзаси инсониятнинг қадимий маданият бешиқларидан бирига айланган. Бу ерда асрлар давомида инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатган ўзига хос улкан маданият ўчоғи юзага келган. Бунинг сабабларини ҳам воҳага охибаёт етказиб берувчи Нил дарёси, унинг гидрологик тартиби билан изоҳлаш мумкин.

Дунёдаги энг азим дарёлардан бири ҳисобланган Нилнинг узунлиги 6671 км, ҳавзасининг майдони эса 2 млн. 870 минг км<sup>2</sup> га тенг. Дарёнинг бош ирмоғи ҳисобланмиш Кагера дарёси Вирунга тоғларидан бошланади ва Виктория кўлига келиб қуйилади.


Дарё мазкур кўлдан Виктория-Нил номи билан оқиб чиқади. Сўнг унга навбати билан чапдан Баҳр ал-Ғазал, Баҳр ал-Араб, ўнгдан эса Асва, Сабат, Зангори Нил, Атбара каби ўнлаб ирмоқлар келиб қуйилади. Кейинги 3000 километрли масофада, яъни Нил дарёси ўрта ер денгизга қуйилгунча унга биронта ҳам ирмоқ келиб қўшилмайди.

Баланд Асвон тўғони қурилиб, ишга туширилган 1964 йилга қадар Нилнинг ўртача сув сарфи 2600 м<sup>3</sup>/с. га тенг бўлган. Тўлин сув даврида бу микдор 15000 м<sup>3</sup>/с гача ортган бўлса, қуруқчилик юз берган йилларда эса 400-500 м<sup>3</sup>/с гача камайган. Сув сарфига қараб Асвон шахри яқинида сув сатҳининг 6-7 метр баландликка кўтарилишига олиб келган. Қоҳира яқинида эса нишабликнинг камайиши ва натижада сувнинг оқиб тезлигининг ҳам камайиши ҳисобига Нил дарёси суви сатҳининг ўзгариш амплитудаси 8-10 метрга тенг бўлган.

Айни жиримама ёзда дарёда сув кўпая бошлайди, қирғоқлардан то-

шиб, ўзани кенгая боради. Тўлин сув даврининг энг юқориси сентябрь ойига тўғри келади, шу вақтда сув сатҳи 8-10 метр баландликка кўтарилади. Натижада сув дарё водийсидаги қайирилари тўлдириб, Нил гуёки узун кўлга айланади. Бу ҳолат бир неча ҳафта давом этади. Сўнг дарё суви қайирилларда унумдор тўпроқни қолдириб, секин-аста ўзанига қайтади.

Буни юнон маърифатпарвари Ахилл Татий (милоднинг 2-3-асрлари) қуйидагича тасвирлайди: «Мисрликлар учун Нил ҳамма нарса — ҳам дарё, ҳам денгиз, ҳам ботқоқлик. Бунда тенги йўқ манзаранинг гувоҳи бўласиз. Бир вақтда, бир ернинг ўзида қайиқ ва сўқа (кетмонсимон асбоби), эшак ва омочни, қайиқни бошқарув воситаси ва ўроқни, денгизчилар ва деҳқонлар қароғоҳини, балиқ ва чорва молларини кўрасиз. Кеча қайиқда сузган жойингизда бугун дон сепасиз... Мисрликлар Нилда сув кўтарилишини кутиб, кунлар санайди, Нил алдамайди... сув кўтарилади».



ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда Андижон давлат университетидан «Одам савдосига қарши кураш — ҳар биримизнинг вазифамиз» мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Унда талабалар ва профессор-ўқитувчилар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар огоҳлик давр талаби экани, одам савдоси ва унга қарши курашни учун мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хозирги пайтда мўйам пул топаман деб аловга учган ва сарсон-саргардонликда юрган юртдошларимиз, афсуски, йўқ эмас. Орамазда нопок ва мунофиқ, ўзағал азоби эвазига пул топаётган шундай тоғламачилар борки, улар ўз манфаатлари йўлида содда ва ишонувчан кишиларни қурбон қилимоқда. Мақор ва фирибгар қаллоблар тажрибасиз йигит-қизларни алдаб, тўри йўлдан оздиримоқда. Натижада улар чет давлатга бориб, қўл бўлиб қолмоқда, саноатлигини йўқотмоқда.

Конституциямизда белгиланганидек, ҳар бир фуқаро ўқиб ва ишлаш, дам олиш, хорижий давлатларга бориб келиш ҳуқуқига эга. Албатта бу ҳуқуқдан қонуний асосда фойдаланиш, фирибгар ва тоғламачилар тузоғига тушмаслик керак. Шунда ҳар қандай хаф-хатарнинг олди олинади.

Шаҳноза АҲМАДЖОНОВА, Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси

Фарғона вилоят партия кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорликда сайлов қонунчилигида киритилган ўзгаришларни ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказди.

БАҲС, ФИКР-МУЛОҲАЗА

Унда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раиси М.Исоқов, ФЖУИ Фарғона МАТМ бош илмий ходими Н.Темиров ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг жойларда обрў-эътиборини мустаҳкамлаш борасида фикр билдиришди. Давра суҳбатидда, шунингдек, аҳолининг сиёсий саводхонлигини юксалтириш, жамият ривожидидаги фаоллигини ошириш, сайлов қонунчилигида киритилган ўзгаришлар, уларнинг аҳамияти, сиёсий партияларнинг парламентдаги мавқеини ошириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚУРИЛИШ ҲАҚИДА

Аҳмад ал-Фарғоний «Нилометр»ни қуриш учун Нил дарёси ўзанидаги Равзо оролининг (Қоҳира шаҳри яқинида) жанубий чеккасини танлаган. Бу жой нафақат ўша давр, ҳатто хозирги кун гидрометрия фани талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилинадиган бўлса ҳам, сув ўлчаш ишларини амалга ошириш учун нихоятда қўлайдир.

Маълумки, дарёларда сув ўлчаш масканини қуриш учун жой танлашда бир қанча ҳолатларни ҳисобга олиш лозим: — танланган жой дарёнинг бутун узунлиги бўйича сув режими элементларига хос бўлган асосий

хусусиятларни ўзида акс эттириши;

— танланган жойда дарё йўналиши тўғри чиқиқли кўринишида бўлиши;

— шу жойда дарё узунлиги бўйича сув юзаси нишаблиги сезиларли даражада ўзгармаслиги;

— узунлик бўйича дарё чуқурлигининг бир хил бўлиши;

— дарёнинг қирғоғи ва ўзани мумкин қадар барқарор, яъни ўпирилиш, қулаш, лойка босиш, емирилиш каби ҳолатлардан холи бўлиши;

— дарё ўзани сув ўтлари ва бошқа тўсиқлардан холи бўлиши;

— дарёнинг шу қисми ирмоқсиз бўлиши;

— танланган жойда сув ўлчаш ва қузатиш ишларини катта аниқликда

амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Мана шу талабларнинг тўлақонли бўлиши сув ўлчаш қурилмасининг узоқ йиллар узлуқсиз ишлашини таъминлайди. «Нилометр»ни қуриш учун танланган жой ана шу талабларнинг ҳаммасига жавоб берган. Шу туфайли вақт синовидан муваффақиятли ўтиб, унда XX асрнинг ўрталарига, яъни охириги таъмирлаш амалга оширилган 1945-1950-йилларгача, қарийб 1100 йил тинимсиз қузатишлар олиб борилган.

Афсуски, хозирги кунда Нилга нисбатан бир неча марта кичик бўлган дарёлар, ҳатто сойларда қурилган сув ўлчаш иншоотлари биргина тошқинга

ҳам бардош бера олмай, тез фурсатда ишга яроқсиз ҳолга келиб қолади. Аҳмад ал-Фарғоний қурган «Нилометр» иш фаолиятининг давомлиги бўйича дунёда ягона сув ўлчаш қурилмаси ҳисобланади. Шу соҳага тегишли маҳсул адабиётларда «Нилометр»дек узоқ фаолият кўрсатган сув ўлчаш қурилмаси қайд этилмаган.

Умуман олганда, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Нилометр»ни қуриш учун жой танлаш бўйича бажарган ҳисоб-китобларининг нақадар тўғри эканлигидан далолат беради.

ҚУДУҚ ВА ЎЛЧОВ УСТУНИ

Дарёларда сув ўлчаш иншоотларини қуришдан олдин улардаги сув сатҳи тебранишларини, яъни сув сатҳининг мумкин бўлган энг юқори кўтарилиши ҳамда энг қуйи пасайишларини аниқ ҳисобга олиш зарур. Бу эса ўз навбатида ўрганилаётган дарёда сув сатҳининг йил давомида фасллар бўйича (бахор ёки ёзда сув кўпайиши, куз ва қишда камайиши) ҳамда йилларда (кам сувли, кўп сувли йиллар) ўзгариши ҳақида тегишли маълумотларга эга бўлишни талаб этади. Агар бунга амал қилинмаса тўлин сув ёки тошқин даврида дарёда сув кўпайиб, сув сатҳи ўлчов устунидидаги юқори чегара (даража)дан кўтарилганда ҳам, аксинча, кам сувли даврда сув кескин камайиб, унинг сатҳи устундаги қуйи чегарадан пастга тушиб кетганда ҳам ўлчов устунидан ҳисоб олиш имконияти йўқолади.

Юқорида қайд этилганидек, Асвон тўғони қурилгунча, Нил дарёсида сув сарфининг йил давомида ўзгариб туриши натижада, унинг Қоҳира яқинидаги сув сатҳи қарийб 8-10 метр баландликдаги ораликда ўзгариб турган. Бошқача айтганда, дарёда сув кўпайган мавсумдаги энг баланд сув сатҳи билан сув камайган даврдаги сув сатҳлари орасидаги фарқ, яъни сув сатҳи ўзгаришлари амплитудаси шу қийматга тенг бўлган.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Қарийб 1150 йил муқаддам қурилган «Нилометр» тизимидаги қудуқ ҳамда шу қудуқ ичига тик ҳолатда ўрнатилган ўлчов устунни Нил дарёсидаги сув сатҳи тебранишлари қайд этилган қийматларини сиғдира оладиган ўлчамларда қурилган. Аниқроқ қилиб айтсак, қудуқ Нил дарёсидаги сув сатҳи ўзгаришлари амплитудасини қаноатлантирадиган даражадаги чуқурликда (қамида 10 метр) қазилса, унинг ўртасига ўрнатилган устуннинг баландлиги ҳам шу қийматдан кичик бўлмаган.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, «Нилометр»нинг ўлчов устунидидаги белгилар (катта ва кичик даражатлар) Нил дарёсининг Қоҳира шаҳри яқинида қузатилиши мумкин сув сатҳининг энг катта қийматидан юқорида ҳам, энг кичик қийматидан пастда ҳам бўлган. Шу туфайли, Нил дарёсида сув сатҳини қайд этиб боровчилар (кузатувчилар) томонидан иншоот ёрдамида у ишга тушган 861 йилдан то 1946 йилгача бўлган (қарийб 1100 йиллик) ораликда дарёдаги барча энг катта ва энг кичик сув сатҳлари ҳисобга олинган.

«Нилометр»га берилган тавсифда қудуқ квадрат шаклида бўлганлиги ва

ўртасида оқ мрамар билан қопланган саккиз қиррали устун ўрнатилганлиги қайд этилган эди.

Дастлаб ўлчов устунининг оқ мрамар билан қопланганлиги хусусида фикр юритайлик. Бу ҳолат алломанин 10 метрдан ортиқ чуқурликдаги қудуқ ичини ёритишда табиий ёруғликдан унумли фойдаланишга бўлган интилиши билан тушунтирилади. Кўриниб турибдики, ўлчов устунининг оқ мрамар билан қоплангани Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёруғлик физикасидан ҳам чуқур билимига эга бўлганлигидан далолат беради. Аллома бундан ташқари, мрамарнинг намликка ўта чидамли-

лигини ва асрлар давомида емирилмасдан сақланишини ҳам ҳисобга олган бўлиши керак.

Устун нима учун саккиз қиррали бўлган? Биринчидан, саккиз қирра қадимдан барқамоллик рамзи ҳисобланади. Иккинчи сабабини эса юқорида иншоот тавсифида келтирилган унумли фойдаланишга бўлган интилиши билан тушунтирилади. Кўриниб турибдики, ўлчов устунининг оқ мрамар билан қоплангани Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёруғлик физикасидан ҳам чуқур билимига эга бўлганлигидан далолат беради. Аллома бундан ташқари, мрамарнинг намликка ўта чидамли-

Фаалиддин ҲИҚМАТОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Илмий университети кафедра мудири, география фанлари доктори. Даулетбай АЙТБАЕВ, география фанлари номзоди. (Давоми келгуси сонда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар, мутахассислар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзолари иштирок этди.


Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Миробоев бошқарган мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 2008-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги иш кўрилди.

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида «реализация қилиш» ва «савдо фаолияти» тушунчаларига таърифлар берилган. Уларга мувофиқ реализация қилиш — сотиш, айирбошлаш, бегараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни ба-жариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олунчига топшириш. Савдо фаолияти — қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишни назарда тутати.

«Улгуржи реализация қилиш» тушунчаси «улгуржи савдо» тушунчасидан кенгрок бўлиб, ўз ичига улгуржи савдо, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш, айирбошлаш, бегараз бериш ва бошқаларни қамраб олади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2008 йил 1 январгача амалда бўлган таъриҳда ҳам айнан шу ҳолатни ўзида акс этган 71-модда 32-банднинг ўзбек тилидаги матнида «реализация қилиш» атамаси қўлланилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 2008-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тиллари матнларидаги мавжуд номувофиқлик унинг амалда қўлланилишида хатоликларга олиб келаётганлиги сабабли уни бартараф қилиш қарарини қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ЎзА)




## 12,85 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ТОВОН ПУЛИ ТЎЛАЙДИ

Лос-Анжелес шаҳар кенгаши полиция савий-ҳаракати туфайли жабр қўрган фуқароларга 12,85 миллион доллар миқдорда тоvon пули тўлайдиган бўлди, дейилади Associated Press хабарида.  
Ҳап шундаки, 2007 йил 1 май кунки Макартура хиёбонидаги кўпминг кишилик митингнинг тарқатиш учун шаҳар полиция департаменти дубинка, резина ўқ ва бошқа қурол-яроқлардан фойдаланган. Натижада 42 киши, жумладан, 9 нафар журналист турли даражада тан жароҳати олган. Шу боис, 300 киши полициянинг қаттиққўллигига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилган. Ниҳоят, даъво қаноатлантирилди.

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Ироқ маҳаллий кенгашлари учун шаба кунли бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.  
Мамлакат Олий сайлов комиссиясида олинган манбага асосланиб, «Новости» АА хабар беришича, айна дамгача бюллетенларнинг 90 фоизи ҳисоб-китоб қилиб бўлинди. Унинг натижаларига кўра, мамлакат бош вазири Нури ал-Маликий тарафдорлари устунликка эришган. Олий сайлов комиссияси вакилининг айтишича, ҳали ҳисоб-китоб қилинмаган 10 фоиз бюллетеннинг нати-

жалари каолиция устунлигига соя сола олмайд.  
Ироқ ҳукуматининг «Ас-Сабоҳ» газетаси ёзишича, сайлов 18 та музофотнинг 14 тасида бўлиб ўтган. Сайловчиларнинг 51 фоизи унда иштирок этган.



## МУЗОКАРА рад этилди

Шри-Ланка ҳукумати «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» ҳаракати билан музокара олиб боришдан бош тортиди.

Мудофаа вазириликоти Готабаха Ражапакс баёнот бериб айтдики, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» билан музокара қилишга ҳожат йўқ, улар тўлиқ таслим бўлиши керак. Ҳукуматнинг талаби шу.

Котибининг айтишича, дейилади АРР АА хабарига, бу гуруҳ ҳеч қандай сиёсий имкониятга эга бўлмастлиги лозим.

Таъкидлаш кераки, аввалроқ АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония ва Норвегия вакиллари Шри-Ланка муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш учун музокара олиб бориш, бунга воситачи бўлиш таклифини ўртага ташлаган эди. Аммо...

Маълумки, 2008-2009 йилларда Шри-Ланка ҳукумати «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари»га қарши кенг қўллама кураш олиб борди. Натижада «йўлбарслар» бутунлай парчалаб ташланди. Ҳукумат қўшини «озодлик йўлбарслари» ҳуқуқронлиги остида бўлган Киллиночи шаҳри, Муллайти порти ва бошқа ҳудудларни ишғол этди. Жорий йилнинг феврала бошида «Тамил-Илам»чилар бошлигининг ер ости бунқери эгалланди.

Ҳаракат етакчиси Прабхакаран эса яширинишга улгурди.

25 йилдан бери тамил элати озодлиги шiori остида курашиб келган кўзголончилар ҳозир Шри-Ланка чакалзорларида жон сакламоқда.



## ХИТОЙ ВА МЕКСИКА АҲОЛИСИ қурғоқчиликдан азият чекмоқда

Хитойнинг бир неча музофотида қурғоқчилик ҳукм сурмоқда. Шу муносабат билан бу ҳудудлар маъмурияти фавқулодда ҳолат эълон қилишни мўлжаллаб турибди.

Мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудуди вакилининг айтишича, ёмғир ёғмай, қурғоқчилик яна давом этса, юз минглаб одам ҳатто ичимлик сувисиз қолиши мумкин. Айна дамгача қурғоқчиликдан кўрилган зарар 200 миллион юндан ошиб кетди. Айрим туманларда экинзорларнинг девяри ярами қовжираб қуриди.

Шунингдек, қурғоқчилик муаммоси Мексикада ҳам кузатилмоқда. Мехико ва унинг атрофидаги шаҳарларда сув захиралари тугаб бормоқда. Шу боис, маъмурият сувни иқтисод қилиш ҳақида фармойиш берди. Унга кўра, ҳар ойда 3 марта сув узатиш тармоқлари ўчириб қўйлади. Бу эса ёмғирли кунлар бошлангунча давом этади. Мутасаддиларнинг айтишича, бундай тадбир аҳолида сувдан тежаб фойдаланиш кўникмасини уйғотади. Бундан ташқари, сув узатиш тармоқлари ўчирилган пайтда тизим қувурларини таъмирлашга имкон тусилади. Мазкур тармоқда саксон йилдан бери тузатиш ишлари олиб борилмаган.

## НАТО АВИАЦИЯСИ УЧУН радиостанциялар қурилмоқда

НАТОнинг ўз ҳарбий авиацияси билан алоқа тизимини мустаҳкамлаш учун Латвиянинг Вентспилс, Олайн ва Резекна манзилларида «радиомажак»лар (сигналлар воситасида кема ва самолётларнинг турган жойларини ва уларнинг йўналишини аниқлашга ёрдам берувчи радиостанция) қурилмоқда.

«Neatkariga» наشري ахборотида ёзилишича, «Ер-ҳаво-ер» русумидаги бу янги радиостанциялар қирувчи самолётлар учувчиларнинг ўзаро ҳамда диспетчер билан бевосита алоқала бўлиб туришига ёрдам беради.

Шунингдек, мазкур ҳарбий тўлқиндан кидирув ва қўтарув хизмати вертолётлари ҳам фойдаланишига рўхсат берилади. Аммо фуқаролар эҳтиёжи учун бу тизимдан фойдаланиш мумкин эмас.

## КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

